

Адолат – ҳаётимизнинг бош меъзони!

Q'ZBEKISTON
RESPUBLIKA
MILLIY KITCHOB PALATI
INV. №



O'zbekiston
«ADOLAT»
SOTSIAL-DEMOKRATIK
PARTIYASI

ADOLAT

Inson manfaatlarini — oliy qadriyat

№ 46
(750)
2009 йил
7 ноябрь,
шанба

Ижтимоий-сиёсий газета

1995 йил 22 февралдан чиқа бошлаган

Пойтахтимизда Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партиясининг V Қурултойи бўлиб ўтди. Анжуманда Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ҳамда Тошкент шаҳар Кенгашларидан сайланган делегатлар, Сиёсий Кенгаш, Марказий Тафтиш комиссияси аъзолари, Олий Мажлис Сенати аъзолари ва Қонунчилик палатаси депутатлари, парламент қўйи палатаси депутатлигига партиядан кўрсатилган номзодлар, партия фаоллари ва оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.



ЎЗБЕКИСТОН «АДОЛАТ» СОЦИАЛ-ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИНING V ҚУРУЛТОЙИ ТЎҒРИСИДА АХБОРОТ



Қурултойда партия Сиёсий Кенгаши раиси Исмоил Саифназаров «Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси Сиёсий Кенгашининг фаолияти юзасидан ҳисоботи ва жамият ривожининг янги босқичида партиянинг олдидан турган вазифалари» мавзусида маъруза қилди. Маърузада ҳисобот даврида партия дастуридаги устувор йўналишларнинг бажарили-

ши таҳлил этилди. Партиянинг мафкуравий, ташкилий-кадрлар соҳасидаги ва парламент қўйи палатасидаги фракцияси фаолияти натижалари сарҳисоб қилинди. Шунингдек, партия фаолиятининг қатор йўналишлари таққидий таҳлил этилди. Халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларидаги депутатлик гуруҳлари ишидаги мавжуд камчиликлар қайд қилиниб, уларни бартараф этиш йўллари кўрсатиб ўтилди.

Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси бугунги кунда 78 минг аъзога, мамлакатнинг барча ҳудудларида 2590 та бошланғич партия ташкилотига, 214 та ҳудудий бўлинмага, парламент ва ҳокимиятнинг маҳаллий вакиллик органларида депутатлик гуруҳларида эга бўлган йирик сиёсий кучга айланганлиги таъкидланди. Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги партия

фракцияси мамлакатда олиб борилаётган ислохотларни қўллаб-қувватловчи ва соғлиқни сақлаш, фан, таълим, инновацион технологиялар тизимларини мустаҳкамловчи қатор қонун лойиҳаларининг ишлаб чиқилиши ва қабул қилинишида фаоллик кўрсатди. Фақат жорий йилнинг ўзида қўшма ҳужжали амалиётига инновацияларни жорий этиш, ижодкор зиёлиларни қўллаб-қувватлаш, фуқаро-

ларнинг интеллектуал мулкни ҳимоя қилиш, кимё тармоғини модернизациялаш каби долзарб масалаларни кўриб чиқишда ташаббускор бўлди. Партиянинг маҳаллий вакиллик органларидаги депутатлари томонидан 2009-2012 йилларга мўлжалланган Инкирозга қарши чоралар дастури ва бошқа давлат дастуруларининг бажарилиши устидан қатъий назорат олиб борилмоқда.

Ҳисобот даврида партиявий тартиб-интизомни кучайтириш, аҳоли билан фаол иш олиб боришда муайян ишлар амалга оширилди.

Қурултойда сўз олганларнинг маъруза ва чиқишларида асосий эътибор партиянинг қонунчилик ва вакиллик органларида бўлиб ўтаётган сайловларга тайёргарлиги, барча даражадаги сайлов штаблари фаолияти самарадорлиги, электротар билан самарали ишлаш масалаларига қаратилди.

Делегатлар партиянинг давлат ҳокимияти қонунчилик ва вакиллик органларида бўлажак сайловларда фаол иштирок этиши бўйича устувор вазифаларни белгиллади. Қурултой мамлакатни демократлаштириш ва янгилаш, социал-иқтисодий, ижтимоий-сиёсий ислохотларни чуқурлаштириш бўйича долзарб вазифаларни ҳал этишда «Адолат» социал-демократик партиясининг ўрни ва роли белгиланган сайлов дастурунинг асосий қоидаларини кўриб чиқишда ва тасдиқлади.

Сайловолди дастурда иқтисодий ислохотларни амалга ошириш ва чуқурлаштиришга қатъий эътибор қаратилган. Шунингдек, ижтимоий адолат таъминлигини амалга ошириш масалаларига ҳам муҳим ўрин ажратилган.

(Давоми 2-бетда.)

«ПРЕЗИДЕНТГА МАКТУБЛАР» КИТОБИНING ТАҚДИМОТИ

Маълумки, «Маънавият» нашриёти томонидан 2006 йилда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов номига юборилган минглаб мактуб ва номалар ҳамда уларга давлатимиз раҳбари йўлаган жавоблардан танлаб олинган айрим намуналар «Президентга мактублар» деган ном билан алоҳида китоб шаклида нашр қилинган эди.

Яқинда ана шу китобнинг иккинчи жилди чоп этилди. Янги нашрдан 2005-2009 йиллар давомида Юртбошимиз номига мамлакатимиз ва хорижий давлатлар фуқаролари ҳамда нуфузли халқаро ташкилотларнинг раҳбарлари, таниқли сиёсатчилар, жамоат арбобларидан келган хатлар ва уларга жавоб мактубларидан айрим намуналар ўрин олган.

Шу йилнинг 6 ноябрь куни Ўзбекистон Миллий университетида ушбу китобнинг тақдими тоғи бағишланган давра суҳбати бўлиб ўтди. Тақдирда таниқли маданият, адабиёт ва маънавият намояندалари, пойтахтимиздаги бир қатор олий ўқув юрталарининг профессор-ўқитувчилари ва талабалари, оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

Тақдимот маросимида Республика Маънавият тарғибот маркази раҳбари М.Ҳожи-матов, фалсафа фанлари доктори, профессор А.Очилдиев, филология фанлари доктори, профессор С.Ғаниева, филология фанлари номзоди О.Мадаев, Тошкент шаҳар Сирғали туманидаги 300-иқтидорли ва қобилиятли болалар мактаби

ўқитувчиси М.Қурбонова, Республика болалар психоневрология шифохонаси бош шифокори ўринбосари Ф.Ҳамроев, Ўзбекистон давлат консерваторияси талабаси Л.Абдуллаева, Тошкент давлат иқтисодий университети магистранти А.Ҳақимов ва бошқалар сўзга чиқишди.

Тақдирда «Президентга мактублар» китоби Ўзбекистон Президентининг юксак масъулияти, серқирра фаолияти ҳақида китобхонлар тасаввурини янада кенгайтириб, мамлакатимизнинг ички ва ташқи сиёсати, халқимизнинг эрки ва фаровон ҳаёти, қувончу ташвишларига оид энг долзарб масалалар юзасидан ватандошларимизни, халқаро жамоатчилик вакиллари билан олиб борилаётган доимий ва самимий мулоқотлар ҳақида янги маълумотлар беришга, ёшларимизни ватанпарварлик, истиқлол ғоясига садоқат руҳида тарбиялашга хизмат қилиши таъкидланди.

Тақдимот маросимида Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси Х.Султонов иштирок этди.

(ЎЗА)



«АДОЛАТ» СДП: САЙЛОВДАН — САЙЛОВГАЧА

2004 йил декабрь — 2005 йил январь. Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлигига бўлиб ўтган сайловларда Ўзбекистон «Адолат» СДПдан 10 нафар депутат — Дилором Тошмуҳамедова, Абдулла Абдуназаров, Мамит Асқаров, Абдураҳим Аҳмадов, Ойша Охунова, Зухра Ботирова, Худоёр Маматов, Юсуфжон Нишонов, Исмоил Саифназаров ва Собир Турсунов сайланди. Шунингдек, халқ депутатлари вилоят, шаҳар ва туман Кенгашларига партиядан 169 депутат сайланди.

2005 йил 24 январь. Сайлов натижаларидан келиб чиққан ҳолда, «Адолат» СДП Сиёсий Кенгашининг навбатдан ташқари II Пленуми қабул қилинди. Унда Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси Сиёсий Кенгашининг биринчи котиби этиб Дилором Тошмуҳамедова сайланди.

2005 йил 22 июнь. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ҳамда Сенатининг қўшма йиғилишидаги маърузасидан келиб чиқиб тайёрланган «Жамиятнинг демократлаштириш ва янгилашнинг, мамлакатнинг модернизация ва ислоҳ этишнинг ҳуқуқий базасини ривожлантириш» концепцияси лойиҳаси бўйича «Адолат» СДП фракциясининг кенгайтирилган йиғилиши бўлиб ўтди. Лойиҳа юзасидан «Адолат» СДП ҳамда унинг фракцияси вазифалари белгиланганлиги.

2005 йил 4 август. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 1 августдаги «Ўзбекистон Республикасида улам жазо-сини бекор қилиш тўғрисида»ги Фармони «Адолат» СДП фракциясининг кенгайтирилган йиғилишида муфассал ўрганиб чиқилди.

Фракция мазкур Фармонни «Адолат» СДПнинг барча бўлинмаларида партия фаоллари ва етакчиларидан тузилган тарғибот гуруҳлари орқали мамлакат аҳолиси, партия электорати орасида кенг тартиб қилиш зарурлиги тўғрисида фикр билдирди. Айни чоғда бу борада ривожланган давлатлар амалиёти ва тажрибасини ўрганиб чиқиш ҳамда тақдирлар тайёрлаш лозимлигини таъкидлади.

2005 йил 11 август. Мамлакатимиз Президентининг 2005 йил 8 августдаги «Қамоққа олишга санкция бериш ҳуқуқини судларга ўтказиш тўғрисида»ги Фармони «Адолат» СДП фракциясини йиғилишида атрофлича ўрганиб чиқилди.

Йиғилишда мазкур Фармон фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини устувор қадрият сифатида мустақамлашга ҳамда ҳимоя қилишга қаратилганлиги алоҳида эътироф этилди.

2005 йил 29 сентябрь. Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси Сиёсий Кенгашининг IV Пленуми бўлиб ўтди. Пленумда партия Уставининг янги таҳририни тасдиқлаш масаласи кўриб чиқилди ва тасдиқланди.

Янги таҳрирдаги Уставада партия ташкилий-тузилмавий таркиби тақомиллаштирилди. Партиянинг раҳбар, ижроия ва назорат органлари ваколатлари аниқлаштирилди. Барча поғонадаги партия раҳбар органларининг ваколатлари, уларга сайланган ва таркибини шакллантириш тартиблари белгиланганлиги.

2005 йил 31 октябрь. «Адолат» СДП фракциясида «Ўзбекистонда микрокредит ва унинг фаолиятини тақомиллаштиришнинг устувор йўналишлари» мавзусида давра суҳбати ўтказилди. Унда Вазирлар Маҳкамаси, Адлия вазирлиги, Марказий банк, нодавлат нотижорат ташкилотлар, манфаатдор идоралар вакиллари, партия фаоллари ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

2005 йил 11 ноябрь. «Адолат» СДП фракцияси томонидан «Ўзбекистонда суд-ҳуқуқ ислохотларининг навбатдаги босқичи» мавзусида илмий-амалий анжуман ўтказилди. Анжуманда Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармонлари юзасидан прокуратура органлари олдидан турган вазифалар, улам жазо-сини бекор қилиш: халқаро тажриба, «Хабес корпус» актининг Ўзбекистонда қўлланилиши, эҳтиёт чорасини қўллаш, шунингдек, суд-ҳуқуқ ислохотларининг истиқболлари масалаларига эътибор қаратилди.

2005 йил 17 декабрь. «Адолат» СДПнинг биринчи Умумпартия конференцияси бўлиб ўтди. Конференцияда партиянинг 2006-2009 йилларга мўлжалланган Фаолият дастури тасдиқланди ва бошқа масалалар кўриб чиқилди.

Фаолият дастури Уставада белгиланган мақсад-вазифаларни амалга ошириш механизмларини ҳам белгиланган берди.

2006 йил 3 февраль. «Адолат» СДП фракцияси «Касаначилик — халқимизга хос азалий тадбиркорлик шакли» мавзусида амалий семинар ўтказди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиш академияси, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги, «Маҳалла» хайрия жамғармаси, Республика Хотин-қизлар қўмитаси, Қонунчилик палатаси депутатлари ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари қатнашган мазкур семинарда тадбир мавзуси юзасидан

фикр-мулоҳазалар, тақдирлар билдирildi. Фракция аъзоларига касаначиликни ривожлантиришга қаратилган ва уни тартибга солишда қонун ҳужжатларини ўрганиб чиқиш ҳамда уларни Президент Фармони ва Қарорларига мувофиқлаштириш бўйича тақдирлар тайёрлаш тоширилди.

2006 йил 17 февраль. «Адолат» СДП фракцияси ҳамда Қонунчилик палатасининг Меҳнат ва ижтимоий масалалар қўмитаси ҳамкорлигида «Ўзбекистон Республикасида дори воситалари муомаласининг қонунчилик асосларини тақомиллаштириш: муаммолар ва уларни ҳал этиш йўллари» мавзусида амалий конференция ўтказилди.

Унда «Дори воситалари ва фармацевтика фаолияти тўғрисида»ги Қонунга «қалбақлаштирилган дори воситалари» атамасини киритиш ва уларни ишлаб чиқариш, сотиш, импорт қилиш бўйича тақдирлар нормалар киритиш лозимлиги тақдир этилди.

2006 йил 31 март. «Адолат» СДП фракцияси Қонунчилик палатасининг Халқаро ишлар ва парламентлараро алоқалар қўмитаси ҳамда Тошкент Давлат юридик институтини билан ҳамкорлигида «Одам савдосига қарши курашининг халқаро ҳуқуқий жиҳатлари» мавзусидаги давра суҳбати ўтказди.

Унда Ўзбекистонда Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлигининг Ташқи миграция агентлиги томонидан шартнома асосида бажариладиган қонуний меҳнат миграцияси мавжуд бўлишига қарамай, фуқароларимизни хорижий давлатларда ишга жойлаштириш шубҳали шахслар томонидан амалга оширилаётган но-қонуний муносабатлари ҳам уяраб турганлиги қайд этилди.

Одам савдосининг олдини олиш бўйича амалдаги қонунчи-ликни тақомиллаштиришга қаратилган тавсиялар белгиланганли-ни, Вазирлар Маҳкамаси ва мутасадди вазирликларга тегишли чора-тадбирлар ишлаб чиқиш учун юборилди.

(Давоми 2-бетда.)

1

2

3

4



Дунё бокс мутахассислари йиғилиши

Жорий йилнинг 7-9 ноябрь кунлари пойтахтимизда Халқаро бокс ассоциацияси (АИБА) техник кўмитасининг йиғилиши бўлиб ўтди.

Мазкур тадбир Ўзбекистон Миллий олимпия кўмитаси ва Республика бокс федерацияси ҳамкорлигида халқаро майдонда юртимиз бокс мактаби нуфузини янада юксалтириш, спорт соҳасидаги алоқаларни мустаҳкамлаш ва кенгайтириш мақсадида ташкил этилмоқда.

Мустақиллик йилларида Президентимиз Ислам Каримов раҳнаомлигида аҳоли, айниқса, ёш авлод ўртасида соғлом турмуш тарзини тарғиб этиш, уларни жисмоний тарбия ва спортга кенг жалб қилиш, бокснинг ривожлантириш, ёшларимизнинг ушбу спорт тури билан мунтазам шугулланиши учун зарур шарт-шароит яратиш, жаҳон рингларида Ватанимиз шарафини муносиб ҳимоя қила оладиган чарм кўлпоқ усталарини тарбиялаш ва кўллаб-қувватлашга катта эътибор қаратилмоқда.

Шу йилнинг 1-12 сентябрь кунлари Италиянинг Милан шаҳрида дунёнинг 133 мамлакатидан келган беш юз нафардан зиёд спортчи иштирок этган жаҳон чемпионатида юртимиз

шарафини ҳимоя қилган А.Атоев олтин медални кўлга киритиб, иккинчи маротаба жаҳон чемпиони деган номга сазовор бўлди. Э.Расулов кумуш, Б.Султонов ва Б.Маҳмудов бронза медали билан тақдирланди.

Спортчиларимизнинг бундай галабалари туфайли ўзбек бокс мактаби дунёда кучлилардан бири сифатида эътироф этилмоқда.

Ўзбекистон бокс федерациясининг маълумотига кўра, АИБА раҳбарияти, техник кўмита вакиллари, ўндан ортиқ давлатнинг бокс федерациялари президенти ва етакчи мутахассислар иштирокида бўлиб ўтган йиғилишда жаҳон миқёсида бокснинг ривожлантириш, 2012 йили Лондонда (Англия) бўладиган XXX ёзги Олимпия ўйинларига пухта тайёргарлик кўриш, ёш боксчиларни тарбиялаш ва кўллаб-қувватлаш, бокс мусобақаларининг қонун-қоидаларига ўзгартиришлар киритиш билан боғлиқ масалалар муҳокама этилади.

Байрам АЙТМУРДОВ,
ЎЗА мухбири.

8 ноябрь — Тиббиёт ходимлари куни



Фарғона шаҳри тиббиёт масканлари бугунги кун талаби даражасида таъмирланиб, замонавий тиббий жиҳозлар, малакали мутахассислар билан таъминланмоқда. Фарғона шаҳар 4-шифохонасида малакали шифокорлар беморларга хизмат кўрсатмоқда. Айниқса, шифохонанинг жаррохлик бўлимидаги шарт-шароитлар ҳамда хизмат кўрсатиш сифатидан беморлар мамнун. Уттиз ўринли бўлимга жаррох Одилжон Парпиев мудирилик қилиб келмоқда. Тажрибали жаррох бошчилигида мураккаб операциялар муваффақиятли бажариб келинмоқда.

Суратларда: жаррох Одилжон Парпиев, жаррохлик бўлими ҳамширалари Махфуза Тунаева ва Мавлуда Тўраева; ҳамширалар Азиза Мелибоева ва Газалия Тожиева.

Муқимжон ҚОДИРОВ
(ЎЗА) олган суратлар.

Соғлом турмуш тарзи

«Оила — жамият таянчи»

Мамлакатимизда олиб борилаётган «Соғлом оила — соғлом бола» таъмилий кутилганидан ҳам яхши самара бермоқда. Айниқса, Ўзбекистон Президентининг жорий йилнинг 1 июлидаги «2009-2013 йилларда аҳолининг репродуктив саломатлигини мустаҳкамлаш, соғлом бола туғилиши, жисмоний ва маънавий баркамол авлодни вояга етказиш борасидаги ишларни янада кучайтириш ва самардорлигини ошириш чора-тадбирлари дастури тўғрисида»ги қарори бу борадаги муҳим ишларнинг дастуриламалига айланди.

Мазкур қарорга мувофиқ, аҳолининг репродуктив саломатлигини мустаҳкамлаш тизимини такомиллаштириш, соғлом бола туғилиши учун зарур шарт-шароитларни яратиш, тиббий муассасаларнинг моддий техника базасини яхшилаш, ва энг асосийси, бу вазифаларни бекам-кўст бажарилишини таъминлаш жойлардаги ҳокимликлар зиммасига юклатилди.

Пойтахтимизнинг ҳамма тумани ФХД бўлими жамоаси қарор ижроси бўйича ижобий натижаларга эришмоқда. Тумандаги мутасадди ташкилотлар билан ҳамкорликда жамоатчилик жойларида, маҳаллаларда «Оила — жамият таянчи» мавзусида давра суҳбатлари ва ўрашувлар ўтказиб, аҳоли ўртасида соғлом турмуш тарзининг шаклланишига салмоқ-



ли ҳисса қўшапти.

Яқинда бўлим ташаббуси билан тумандаги «Урта Масжид» маҳалла фуқаролар йиғинида бўлиб ўтган шундай тадбир иштирокчиларда катта қизиқиш уйғотди. Унда тумандаги қизил ярим оил жамияти ходимлари ва 29-оилавий поликлиника шифокорлари, 206- ва 212-мактаб ўқувчи ва ўқувчилари иштирок этди.

— Касални даволагандан кўра унинг олдини олган афзал, — дейди туман ФХД бўлими мудири Сулайхон Камолходжаева. — Айниқса, бу нақлга янгидан турмуш қураётган ёш келин-куёвлар амал қилса туғилажак фарзандлар ҳам жисмоний, ҳам ақлий жиҳатдан баркамол бўлиб вояга етади. Шу билан биргаликда турмуш қуришдан олдин тиббий кўрикдан ўтиш, шифокорлар

тавсиясига тўла амал қилиш катта орзу-умидлар билан турмуш қураётган ёш келин-куёвларнинг ҳаёти тоғли, шириндан шакар фарзандлари ҳар томонлама соғлом туғилади. Дарвоқе, туман ФХД бўлими томонидан тегишли ташкилотлар билан ҳамкорликда олиб борилаётган турмуш ишлари ўз самарасини бериб, оилаларда ажралишлар сони кескин камайиши кузатиляпти. Мисол учун, ўтган йилнинг 9 ойи давомида 102 нафар оиллада ажралиш кузатирилган бўлса, жорий йилнинг ўтган даври мобайнида бу кўрсаткич 86 нафарни ташкил этганлиги юқоридаги фикримизнинг ақлоқ далилидир.

Бахтиёр ТОПНАЗАРОВ,
«Adolat» мухбири.

Вақт қадри

Вактнинг тежаш ва ундан самарали фойдаланишда немис файласуфи Иммануил Кантнинг олдида тушадигани бўлмаган. Тадқиқотчиларнинг эътирофи эътиҳоти, у ҳеч қачон ҳеч бир сония улушларини зор кеткизмаган. Кант ҳар кун ўтадиган Кёнигсберг шаҳрининг марказий кўчаси чорраҳасидаги минора (курнт) соати тўхтаб қолганда, уни соатсозлар Кантнинг келишига қараб тўғрилаб, юргизиб қўйганлар. Чунки, у ердигилар ҳар доим, қайси вақтда, қандай ҳолатда, қайси муносибда Кантнинг ўтишини яхши билганлар.

Хатто, баъзи бир «бекорчи» шина-вандалар у ерга янги келган мусофирлар билан баҳс боғлашиб, ўзларича «ғўки» қайси муносибда қайси вақтнинг қайси сониясида ўрта бўйли, қотмадан келган, сочи силлиқ, шляпали, зигилинамо кийинган киши (Кант демок-чилар) ўтишини башорат қилиб, ютиб чиққанлар.

Бир маромда ишлайдиган механик соатни инсонга қараб тўғрилашни дунё кам гувоҳи бўлган. И. Кант ўзининг «Соф ақли танқиди» (1781), «Амалий ақли танқиди» (1788), «Кайи асарлар» (1788) ва унинг қадрига етиш ҳақида кўп тўхталган. Бу ҳақда ёзилган манбаларнинг гувоҳлик беришича, файласуф уйланаётганда черковга никоҳ маросимига атиги беш (5) дақиқа (1) кечиккан янги келинчақнинг бу «килиги»ни ҳазм қилмаган. Кўё бўлимиш (Кант) тўйни бузиб, ўша жойдаёқ унинг «жавобини» бериб юборган.

Агар «ҳозир келаман» деб икки соат куттирадиган, гоҳида келмай ҳам қўяверадиган айрим кимсаларни кўрсатса, Кантга ўшаганлар ўзини ўзи осиб қўйса, ажаб эмас. Бу феномен немисларнинг аниқликка етишишлари учун анча вақт керак бўлганлигини кўрсатади.

Шукур ЖАББОРОВ.

Ўзбекистоннинг Белгиядаги элчихонасида, Белгия сайёҳлик компаниялари, «Эйр Балтик» авиакомпанияси ҳамда Белгия ишбилармон доиралари вакиллари иштирокида «Ўзбекистоннинг сайёҳлик салоҳияти» мавзусида бағишланган давра суҳбати ўтказилди.

Тадбирда йиғилганлар эътиборига Ўзбекистонда сайёҳлик ва сайёҳлик инфратузилмасини ривожлантириш борасида амалга оширилаётган чора-тадбирлар, мамлакатнинг бой маънавий ва маданий мероси, ноёб тарихий обидалари, шунингдек, яқинда бўлиб ўтган XV Тошкент сайёҳлик ярмаркаси якунилар ҳақидаги ахборотлар ҳавола этилди. Учрашувда сўзга чиққан Белгия сайёҳлик уюшмаси раиси М.Богарт хоним Ўзбекистон улкан туризм салоҳиятига эга бўлиб, у нафақат Марказий Осиё, балки бутун

Сайёҳлик салоҳияти намоёиши

дунёнинг сайёҳлик марказларидан бири эканини таъкидлади. Унинг фикрига кўра, Ўзбекистон туризмининг жозибадор жиҳатларидан бири шундаки, бу ерда хилма-хил сайёҳлик йўналишлари, жумладан сўнгги пайтларда анча оммалашган мамлакатнинг ўсимлик ва ҳайвонот дунёсини очиб берувчи экологик йўналишлар мавжуд.

— Ўзбекистон тарихий, маданий бойликларни асраб-авайлаш ва қадимий обидаларни таъмирлаш ҳамда қайта тиклаш тадбирлари давлат сиёсати даражасига кўтарилган мамлакатлар сирасига қиради, — дейди ўз навбатида «Антипод Вуаяж» сайёҳлик компанияси менежери М.Лам-



берт. — Шу маънода Ўзбекистоннинг Самарқанд, Бухоро, Хива, Тошкент ва бошқа шаҳарларидаги тарихий-меморий ёдгорликларни муҳофаза қилиш ва

уларни қайта тиклаш борасида амалга оширилаётган кенг кўламли ишлар таҳсинга лойиққидир.

«Жаҳон» АА,
Брюссель

Солиқ ва ҳаёт

Ишбилармонликка ғирромлик ярашмайди

Мамлакатимизда ишбилармонлиқни ривожлантириш ва бу орқали аҳоли даромадларини мунтазам ошириб боришга катта эътибор берилмоқда. Бугун тадбиркорлик туфайли давлатга ҳам, ўзига ҳам фойда келтираётганларнинг сони кўпайиб бораётди.

Дарвоқе, назорат қилувчи органлар томонидан тадбиркорлик субъектлари фаолиятига ариалашмиш, ортқча ҳужжат талаб қилиш мумкин эмаслиги қонунда қатъиян белгилаб қўйилгани соҳа иштибоғига улкан ҳисса бўлиб қўшилмоқда. Яъни, ишбилармонларга қулай шарт-шароит яратиш, қўмақлаштириш давлатимиз сиёсатининг устувор йўналишларидан бирига айланди.

Бироқ, гуруҳ кўрмақсиз бўлмагани каби тадбиркорликни ўзларига никоҳ қилиб, бўмай пул топиш илинжида амалдаги қонун ва қарорларни четлаб ўтишга интилайтган кимсалардан, ажабланасан киши.

Инспекциямиз ходимлари ўтган ярим йилликда назорат тартибидан 186 маротаба қисқа муддатли текшириш ўтказиб, бундай қонунбузарлар танобини тортиб қўйишди. Жумладан, 25 та ҳолатда назорат-касса машинаси билан фойдаланмаслик ҳолати аниқланиб, 13 та ҳўжалик юритувчи субъектларга 11826,3 минг сўм миқдорда молиявий жарималар қўлланилди. Бундан ташқари, туман ҳудудидagi бозорлар фаолияти ўрганилганда, фуқаролар томонидан ҳеч қандай ҳужжатсиз савдо қилиш ҳолатлари аниқланиб, 13565 минг сўмлик товар-мод-

дий бойликлар далилий ашё сифатида олиб қўйилди.

Назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштирувчи туман ҳудудий комиссиясининг 2009 йил 7 январдаги рухсатномасига асосан, Қўрғонтепа қишлоғида яшовчи хусусий тадбиркор Ҳамиджон Қўчқоров фаолияти текширилганда, унинг қин-ғирликлари фож этилди. Вазирлар Маҳкамасининг бир қатор қарорлари ва зид равишда унга тегишли савдо дўконда сифат сертификатсиз 23 турдаги 2213100 сўмлик алкоғоли маҳсулотларнинг ноконуний равишда сотилаётгани маълум бўлди. Тўплаган ҳужжатлар қонуний чора кўриш учун Бош прокуратура ҳузуридаги «СВОЖДЛҚ» Департаментининг Фарғона тумани бўлимига юборилди.

Йўловчи ташиш билан шугулланадиган «Шоҳмардон водий инвест» хусусий корхонаси фаолияти ўрганилганда эса, кўз қўриб, қўлоқ эшитмаган ҳўққу-барлиқнинг гувоҳи бўлдик. Корхона раҳбарлари оз эмас, нақд 4 миллион 97 минг сўмлик аҳолига хизмат кўрсатиб, йўловчиларга бирор марта ҳам билет (патта) бермасдан келган. Бу ҳам ота-маганидек, тушган пулларни банкка топширмасдан жиғилдонига уришган. Тўплаган ҳужжатлар Бош прокуратура ҳузуридаги СВОЖДЛҚ Департаментининг Фарғона тумани бўлимига ўтказилиб, корхона раҳбарияти устидан жиноий иш қўзғатилди. Қилмиш-қилдириш деб, шунга айтадилар-да.

А.РЎЗМАТОВ,
Фарғона тумани ДСИ бошлиғи.

ХАБАРЛАР

Яқинда пойтахтимиздаги Ёшлар ижод саройида «Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармаси ва «Меҳр нури» жамғармаси томонидан тасвир этилган таълим, спорт грантлари, иқтидорли талабалар учун стипендиялар дастурлари қўлиб-қўйиш тақдирлаш маросими бўлиб ўтди.

Мазкур йўналишда «Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармаси ва бошқа жамоат ташкилотлари ҳамкорлигида қатор ибратли ишлар амалга оширилаётгани эътиборлидир. Иқтидорли ёшларни аниқлаш ва уларни ҳар томонлама рағбатлантиришга а йўналтирилган турли ижодий кўрик-танловлар, интеллектуал беллашувлар, турли фестиваллар, анжуманлар, маърифий лойиҳалар бунинг далилидир.

Таълим, спорт грантлари, иқтидорли талабалар учун стипендиялар дастурлари фаол, изланувчан, ташаббускор йиғит-қизларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлаш, рағбатлантириш, уларнинг ўз йўналиши бўйича пухта билим олиш учун ишкон яратишда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Тадбир сўнггида 244 нафар соғирдорларга дипломлар топширилди.

Истиқлол йилларида, мамлакатимизда Президентимиз ташаббуси билан миллий матнавийти-мизни юксалтириш, хусусан, театр санъатини ривожлантириш, соҳанинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш масалаларига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Шу кунларда Алишер Навоий номидаги Наманган вилояти мусиқали драма ва комедия театри биноси ва у жойлашган хиёбон улкан бунёдкорлик майдонига айланди.

Айни пайтда бу ерда «Ёлғор» шўъба корхонаси томонидан ободонлаштириш, театр хиёбонидagi фавворани қайта қуриш, ташқи коммуникация тармоқларини янгиллаш, театр биносининг ички ва ташқи қисмида пардозлаш ишлари олиб боришмоқда.

Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йилида Тошкент вилояти Урта-чириқ туманидаги Бағиш маҳалласида замонавий қишлоқ врачлик пункти фойдаланишга топширилди. «Саломатлик-2» лойиҳаси асосида барпо этилган ушбу муассаса энг сўнгги русумдаги тиббий ускуналар билан жиҳозланган. Мазкур бирамлик тиббий-санитария муассасаси ҳудуддаги турт мингдан зиёд аҳолига тиббий хизмат кўрсатмоқда.

Врачлик пунктида физиотерапия, лаборатория, умумий амалиёт шифокори, эмлаш, муолажа, акушер-гинекология, кундузги станциялар каби қатор тиббиёт хоналари мавжуд.

Adolat

ИЖТИМОЙ-СИЁСІЙ ГАЗЕТА

МУАССИС: ЎЗБЕКИСТОН

«АДОЛАТ» СДП СІЁСІЙ КЕНГАШИ

adolat_sdp@doda.uz

Бош муҳаррир
Худойёр МАМАТОВ

Газета Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 0018 рақам билан рўйхатга олинган

Телефонлар: қабулхона — 236-53-14; 233-40-86 (факс); котибхона — 233-41-89; «Партия ҳаёти ва сиёсат» бўлими — 236-57-14 ISSN 2091-5217

Манзил: 100000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

Таҳрир хайъати

Дилором ТОШМУҲАМЕДОВА,
Исмоил САЙФНАЗАРОВ,
Алишер МУМИНОВ,
Жовдатхон ИНОҒОМОВ,
Зухра БОТИРОВА,
Иқбол МИРЗО,
Муҳаммад АЛИ,

Мамазонир ХЎЖАМБЕРДИЕВ,
Мукаррамхон АЗИМОВА,
Равшан ХАЙДАРОВ,
Софит ТУРСУНОВ,
Светлана ОРТИКОВА,
Талъат МУРОДОВ,
Қодир ЖЎРАЕВ.

Нашр учун масъул

Рустам АҲМАДАЛИЕВ

(Бош муҳаррир биринчи ўринбосари)

• «Адолат»дан кўчириб босиш фақат таҳририят рухсати билан амалга оширилади. t — Тижорат мақсадлари белгисиз.

Нашр индекси 100

Навбатчи муҳаррир — Камол АЛЛАЕВ
Навбатчи — Гулом ХИДИРОВ